**UDK: 601658**

**“Реал секторда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишда инновацион технологиялар”:** Республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалар ва маърузалар тўплами. –Т.: ТДИУ, 2017. – 675 бет.

**“Реал секторда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишда инновацион технологиялар”** мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал–Демократик партияси Сиёсий кенгаши ижроия Қўмитаси ҳамда “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Ушбу илмий-амалий анжуманнинг илмий мақолалари ва тезислари тўплами ҳозирги кунда республикамиз иқтисодиётининг реал сектор тармоқларини модернизация ва диверсификация қилишда инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш асосида рақобатдош миллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга бағишланган мукаммал тўпламни ўзида мужассамлаштиради. Тўпламга киритилган илмий мақола ва тезисларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишда инновацион технологияларни қўллаш ва улардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ўрин олган.

**Масъул муҳаррир:** иқтисод фанлари номзоди, доц. М. Пўлатов
иқтисод фанлари номзоди, доц. И. Хотамов

**Таҳрир ҳайъати:**
и.ф.д., проф. Н.Г. Каримов,
и.ф.д., проф. Г.Н. Ахунова,
и.ф.н., проф. М.С. Касимова,
и.ф.н., доц. М.Т. Асқарова,
и.ф.н., доц. М.Ю. Исаков,
и.ф.н., доц. А.А. Исломов,
и.ф.н., доц. Р. Хакимов

**Тақризчилар:**
и.ф.д., проф. Н.М. Махмудов
и.ф.д., проф. Б.Т. Салимов

*Мазкур тўпламга киритилган материалларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар*

© Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2017.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ-ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ–ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ**

**“ЎЗПАХТАСАНОАТЭКСПОРТ” ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ**

# РЕАЛ СЕКТОРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

***Республика илмий-амалий конференцияси***

**ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ВА ТЕЗИСЛАР ТЎПЛАМИ**

***2017 йил 7 апрель***

**ТОШКЕНТ – 2017**

| | | |
|---|---|---|
| Ахмедова Ф.Дж. | Инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар | 111 |
| Мирхолиқова Н.З. | Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш | 113 |
| Абдурахимова Ф.Б. | Реал сектор тармоқлари иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминламоқда | 115 |
| Исломов А.А., Зайнитдинов Т.Д. | Мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишида хорижий инвестицияларнинг тутган ўрни | 117 |
| Темиров А.А., Кадыров Д.Б. | Влияние денежно-кредитной политики на экономический рост страны | 119 |
| Азимова Л., Каримов С. | Иқтисодий хавфсизликнинг барқарор ривожланишини таъминлашдаги моҳияти | 121 |
| Абдурахимова С.А., Исмоилов А.М. | Худуднинг иқтисодий ўсишига таъсир этувчи омиллари | 122 |
| Жабборалиев Б.Х. | Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни солиқлар орқали рағбатлантириш истиқболлари | 125 |
| Якубов И., Эшназарова М. | Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар - иқтисодий тараққиёт омили сифатида | 127 |
| Raximov X.Sh., Primov A.A. | Xududning investitsion jozibadorligini oshirish yo'llari. | 132 |
| Қосимов М., Бозоров И. | Ўзбекистон республикаси банк-молия соҳасида хорижий кредит линияларининг роли | 134 |
| Рахимов Х.Ш., Маткаримов Ш.Ш | Иқтисодий ўсиш мамлакат тараққиётини белгиловчи асосий кўрсаткич | 136 |
| Тавакалов Ж.Т., Тагаев С.Б. | Роль иностранных инвестиций в модернизации экономики Республики Узбекистан | 140 |
| Ким Е.Р., Солиев А.М. | Приоритетные направление экономического развития страны в условиях модернизации и его влияние на макроэкономическую стабильность | 141 |
| Zokirov Sh.E., Uktamov X.F. | Barqaror iqtisodiy o'sishni ta'minlashda investitsiya normasining o'rni | 143 |
| Абдувосиқова Д.Д., Ҳусаинов Ҳ.А. | Модернизация – барқарор иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили сифатида | 144 |
| Исломов А.А., Шодмонова М.О. | Инвестицияларнинг мамлакатлар иқтисодий тараққиётига таъсири | 145 |
| Умаров Ф. | Инновация фаолияти инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқаришнинг методологик жиҳатлари | 147 |
| Бозоров Э.Б., Абдуллаев А.А. | Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш тамойиллари | 149 |
| Мамбетжанов Қ.Қ. | Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларини кўшилган қийматлар бўйича акс эттиришдаги асосий муаммолар | 150 |
| Курбанов Ж.И. | Иқтисодиётнинг асосий тармоқларини модернизациялашда молиялаштиришнинг самарали усулларини жорий этиш истиқболлари | 152 |
| Ҳайдаров М.А. | Давлат мақсадли жамғармаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўналишлари | 154 |
| Курбанов Ж.И., Хурсанов П.Э. | Тижорат банкларида инвестицион ресурларни жалб қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари | 156 |
| Усманов А.С., Рахматов Р.З., | Применение зарубежного опыта привлечения иностранных инвестиций для совершенствования инвестиционного климата | 157 |





| | | |
|---|---|---|
| | республики Узбекистан | |
| Иззатуллаев М.Р. | Роль инвестиционной политики в развитии экономики страны | 159 |
| Жакбаров С.Р., Назарова С.О. | Миллий иқтисодиёт таркибий тузилмасини такомиллаштиришнинг жаҳон тажрибаси ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш йўналишлари | 160 |
| Наврузова З.Ш. | Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари | 162 |
| Артикова М.М. | Анализ состояния и перспективы расширения экспортного потенциала Республики Узбекистан | 164 |
| Кучаров А. Исамухаметов.Ш. | Управления материала-потоками в коммерческой логистике в Центро-Азиатском регионе в уловиях модернизации экономики | 168 |
| Тоймуҳамедов.И.Р. | Тижорат банкларида муаммоли кредитларни камайтириш йўллари | 169 |
| Жуковская И. Е. | Место и роль информационных систем в управленческих процессах предприятий и организаций Республики Узбекистан | 172 |
| Пилипенко Е.Ф. Хашимова Д. П. | Организация процесса выбора поставщиков сырья с использованием систем поддержки принятия решений | 175 |
| Абидов А. А | Корхона бошқаруви тизимларининг айрим вазифалари | 178 |
| Самадов А.Н. | Хизматлар соҳасини ривожлантиришда маркетинг элементларидан фойдаланишни такомиллаштириш | 181 |
| Насриддинов Ф. Юсупов Ш.Б. | Ўзбекистон тижорат банкларида замонавий технологияларини амалиётга киритиш истиқболлари | 183 |
| Акбарова Б. Ш. | Мамлакат рақобатдошлигини оширишда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг роли | 184 |
| Юлдашева А. Д | Роль Центрального Банка при проведении либерализации валютной политики | 186 |
| Ботирова Н.Ш. | Миллий иқтисодиётни саноатлаштиришда хорижий инвестицияларни аҳамияти | 189 |
| Кадирходжаева Н.Р. | Кооперацион алоқаларни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасидаги асосий йўналишлар | 192 |
| Хўжаев Ф.Э. Пўлатхўжаева Д.М. | Иқтисодий инфратузилма уни ривожланиши ва иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги роли | 193 |
| Хазратқулов С. Собиров А. А. | Ўзбекистонда инвестиция тизимини ривожлантириш истиқболлари | 195 |
| Рустамов Н. И. | Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш омиллари | 198 |
| Рашидов М. К. | Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашда зонал сиёсатни амалга оширишнинг муҳим жиҳатлари | 201 |
| Баева Ш.Х | Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда ялпи ички маҳсулотнинг аҳамияти | 202 |
| Абдилакимов Г. | Проблемы автомобильного транспорта в Узбекистане | 203 |
| Умаров О.О. | Барқарор иқтисодий ўсишга эришиш йўллари | 205 |
| Байтурсунова А.А. | Проблемы налогообложения риэлторских организаций в Республике Узбекистан | 208 |
| Каюмов Р. И. Байтурсунова А. А. | Приватизация объектов недвижимости как основа развития реального сектора экономики Республики Узбекистан | 210 |
| Исмаилов А. Р. | Тижорат банкларида корпоратив бошқарувни самарадорлигини ошириш йўллари | 211 |
| Нормуродов Х. | Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион фаолиятни тартибга солиш механизми | 214 |

3. Ўзбекистон Республикасининг Президенти қарори билан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси молия бозорини ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш.

Кутилаётган натижалар:

- ҚҚБ янги инвестиция воситалари билан бойитилади;
- ҚҚБ ликвидлиги ортади;
- ҚҚБ инфратузилмаси такомиллашади;
- АЖлар капитализацияси ошади;
- инвесторларнинг миллий ҚҚБга қизиқиши ортади;
- ҚҚБнинг миллий иқтисодиётни инвестициялашдаги роли ортади.

4. Тармоқ дастурлари доирасида хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича умумий қиймати 40 млрд. АҚШ долл. 649 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш. 2017 йилда 1,0 млрд. АҚШ долларлик 145 та лойиҳани тугаллаш, шу жумладан:

- мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотлари - 147 млн. АҚШ долл. 63 та лойиҳа;
- рангли ва қимматбаҳо металларни чуқур қайта ишлаш - 217 млн. АҚШ долл. 6 та лойиҳа;
- кимёвий хомашёларни чуқур қайта ишлаш бўйича 25 млн. АҚШ долл. 2 та лойиҳа;
- углеводород хомашёларини қайта ишлаш - 342 млн. АҚШ долл. 6 та лойиҳа;
- тайёр чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш - 6 млн. АҚШ долл. 9 та лойиҳа;
- фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш - 24 млн. АҚШ долл. 7 та лойиҳа;
- қурилиш материаллари ишлаб чиқариш - 151 млн. АҚШ долларлик 29 та лойиҳа;
- тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари - 178 млн. АҚШ долл. 15 та лойиҳа

Кутилаётган натижалар:

Келгуси 5 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,5 бараварга, унинг ЯИМдаги улуши – 33,6%дан 36%га, қайта ишловчи тармоқларнинг саноатдаги улуши – 80 фоиздан 85 фоизга ўсади.

2017 йилда 75 дан ортиқ янги турдаги рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ўзлаштирилади.

5.Ўзида саноат-иқтисод кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотларни, табиий ва меҳнат ресурсларини, шунингдек ҳудуднинг бошқа потенциал имкониятларини ифода этган республиканинг ҳар бир туман (шаҳар) паспортини тузиш.

Кутилаётган натижалар:

- Инвесторлар учун ахборот таъминоти;
- Корхоналар маркетинг фаолиятини ривожланиши;
- Илмий тадқиқотлар учун маълумотлар базаси.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу режа ва вазифаларни амалга оширилиши республикамиз ва худудларда иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишга, Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмини ва ҳудудларда саноатни ривожланишига имкон яратади ва бундан кейинги даврларда ҳам барқарор ўсиш суръатларини таъминлаб беради.

*к.и.х.и., Н. И.Рустамов, ТДИУ*

## Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш омиллари

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланмоқда ва ҳукуматимиз томонидан уни мустаҳкамлаш борасида устувор вазифалар белгиланмоқда. Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганларидек,“Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, давлат бюджети барча даражада



мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш – энг муҳим устувор вазифамиздир”[92].

Иқтисодий ўсиш замиридаги замонавий иқтисодий назарияда одатда табиий аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш ҳажмининг реал кўпайиб кетиши ва қисқа муддатли равнақи эмас, балки, узоқ муддатли вақт оралиғидаги ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишига боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш реал ҳажми табиий даражасининг узоқ муддатли ўсиши тушунилади.

Иқтисодий ўсиш турли нуқтаи-назарлар орқали ўрганилиши сабабли, унинг интенсив ва экстенсив турларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Экстенсив иқтисодий ўсиш табиий ресурслар, ишчи кучи ва капитал каби ишлаб чиқариш омилларини қўшимча жалб қилиш ва уларнинг миқдорий ошиши ҳисобига рўй беради. Бунда уларнинг сифат ва техникавий даражаси ўзгармасдан қолади. Интенсив иқтисодий ўсиш эса илмий-техникавий базани такомиллаштириш ва барча ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиб меҳнат унумдорлигини ошириш орқали таъминланади.

Иқтисодий ўсиш доимо иқтисодий ва ноиқтисодий омиллар таъсири натижасида келиб чиқади. Иқтисодий назарияда иқтисодий ўсиш омиллари деганда ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмини ошириш, ўсиш самарадорлиги ва сифатини ошириш имкониятларини белгилайдиган ҳодисалар ва жараёнлар тушунилади. Иқтисодий омилларга фойдаланилаётган ресурслар миқдорини ошириш ва сифатини такомиллаштириш омиллари кирса, ноиқтисодий омиллар ўз ичига сиёсий, географик, миллий ва маданий омилларни олади.

Иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлиги энг аввало унинг қандай омиллар эвазига таъминланаётганлигига боғлиқ. Чунки, ташқи бозорга хомашё ресурслари, жумладан, углеводород хомашёларини сотиш эвазига миллий маҳсулот ўсишини нафақат таъминлаб келган кўплаб мамлакатлар бугунги, яъни жаҳон бозорида хомашё ресурслари, айникса нефтнинг нархи пасайиб кетган бир шароитда мушкул ҳолатга тушиб қолдилар. Мазкур хомашёларнинг нисбатан юқори нархлари шароитида тузилган ривожланиш стратегиялари муваффақиятсизликка учраб, улар инқироз “кўчаси”га кириб қолдилар.

Ўзбекистон мустақил тараққиётнинг дастлабки йиллариданоқ ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ички, барқарор омилларига таянувчи самарали иқтисодий сиёсатга эътибор қаратди. Бунда мамлакатдаги бой хомашё ва ресурсларни қайта ишлашга йўналтирилган юқори технологик саноат тармоқларини барпо этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиёт салоҳиятини кенгайтирувчи инвестицияларни амалга ошириш ишларига катта эътибор қаратилди. Юқори иқтисодий ўсиш суръатини таъминлашда қуйидагилар асосий омил бўлди (1-расм).



***1-расм. Ўзбекистон иқтисодиёти юқори суъатларда ўсишини таъминлашнинг асосий омиллари***

Ўзбекистонда мамлакатни ўрта муддатли истиқболда янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш Дастурини изчил амалга оширишни давом эттириш натижасида 2016 йилда иқтисодий ўсишнинг барқарор ва юқори суръатларини сақлаб қолиш ва макроиқтисодий мувозанат, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати ошиши таъминланмоқда. 2016 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 7,8 фоизга ўсди. Саноат маҳсулоти ҳажмлари – 6,6 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари – 12,5 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,4 фоизга, хизматлар – 12,5 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади ва 5,7 фоизни ташкил этди. Ўзбекистонда иқтисодиётни кенг қамровли модернизациялаш тадбирларини амалга ошириш натижасида мамлакатда ижтимоий-иқтисодий барқарорликка эришилмоқда. Давлатнинг аниқ мақсадга йўналтирилган самарали иқтисодий сиёсатни амалга ошириши натажасида юқори ўсиш суръатлари таъминланмоқда.

Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодиётни ички ва ташқи секторларининг мутаносиблигини таъминлаш борасида:

- қаттиқ пул – кредит ислоҳоти натижасида, сўнгги 10 йил мобайнида йиллик инфляция даражаси 7 – 8 % атрофида сақланиб қолинмоқда;

- самарали бюджет – солиқ сиёсати натижасида, сўнгги йилларда мамлакат бюджети профицит билан якунланмоқда;

- иқтисодиётни модернизациялаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш натижасида, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ташқи савдо айланмаси ижобий сальдони ташкил этмоқда.

Ички омиллар ҳисобидан иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашда:

- мамлакатда иқтисодиётни модернизациялаш, мамлакат иқтисодиёти рақобатдошлигини ошириш натижасида, сўнгги 10 йилда республикада ЯИМ ҳажми ўсиш суръати ўртача 107,8 % ни ташкил этмоқда;

- ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантириш натижасида, 2016 йилда умумий экспорт ҳажмининг 72 % дан ортиғини тайёр товарлар ташкил этмоқда.

Иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш ва кенг қамровли таркибий ислоҳотларнинг ошириш борасида:

- мақсадли хорижий инвестицияларини жалб этиш, инвесторларга қулайликлар яратиш, инвестицион жозибадорликни ошириш орқали инвестициялар ҳажмини ошиши натижасида ялпи маҳсулот таркибида саноат маҳсулотининг улуши 2016 йилда 25,2 % ни ташкил этмоқда;

- ўрта синфни ривожлантириш, иқтисодиётни диверсификациялаш, кичик бизнес ва тадбиркорликка имтиёз ва қулайликлар яратиш натижасида, 2016 йилда кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 56,9 % ни ташкил этмоқда.

Мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

- иқтисодиётни етакчи тармоқларини ривожлантиришнинг аниқ, чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйланган узоқ муддатли истиқболларини ишлаб чиқиш ва асосий тармоқларни диверсификация қилишга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш;



- жаҳон бозорида доимий харидоргир бўлган, қўшилган қиймат улуши юқори рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш, корхоналарни кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш;

- иқтисодиёт тармоқларида замонавий илм-фан ютуқларини ва илғор инновацон технологияларини ишлаб чиқаришга жадал татбиқ этиш;

- корхоналарни мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосида импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ҳудудларда кенг ишлаб чиқарилишини таъминлаш;

- ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш;

- маҳаллий хомашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатдош маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бошқалар.

*мустақил тадқиқотчи, М. К.Рашидов, ТДИУ*

## Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашда зонал сиёсатни амалга оширишнинг муҳим жиҳатлари

Ўзбекистон учун ўзининг зонал сиёсатини ишлаб чиқиш, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш,бошқаришнинг аниқ бир дастурига эга бўлиши керак ва бу глобаль давр шартидир. Бу дастур Ўзбекистоннинг жуда қулай иқтисодий-географик жойда, яъни планетанинг иқтисодий потенциал жиҳатдан уч гиганти - Хитой, Ҳиндистон ва Европа кесишган жойда жойлашганлигидан уддабуронларча фойдалана олишга бўйсундирилган бўлиши ва макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаб, иқтисодий ўсиш суръатларини тўла таминлаши зарур.

Жаҳон тажрибасига таяниб, шуни айтиш мумкинки, эркин иқтисодий ҳудудни бошқариш органлари қуйидаги масалаларда регион иқтисодиётини тартибга солиш ҳуқуқига эга бўлишлари мақсадга мувофиқдир:

- ҳудудда ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарларни антимонопол тартибга солиш тизимини шакллантириш;

- коммунал, маиший, ижтимоий транпорт хизматларига, маориф ва солиқни сақлашнинг пулли хизматларида баҳо белгилашни тартиблашда;

- қурилаётган (реконструкция қилинаётган) корхоналарга лицензия, патент бериш;

- корхоналарни ёпиш (рухсатолмаган, тақиқланган маҳсулот ишлаб чиқарган, белгиланган тартибни бузган..);

- регионал иқтисодий сиёсатни шакллантиришда.

Давлат билан эркин иқтисодий ҳудуд ташкил этилган территория маъмурияти ўртасида бошқариш функциялари қуйидаги тарзда бўлиш мақсадга мувофиқдир:

- давлат умумий тамойиллар ва ҳудудни таъсис этиш шартларини белгилайди (ташкил этиш ва ликвидация қилиш қоидалари, солиқ солиш, валюта тартиби, ўзаро ҳисоб - китоб тартиби, божхона чегаралари). Бўлиши мумкин бўлган негатив оқибатларни бартараф қилишнинг иқтисодий механизмини яратади, табақалашган солиқ, божхона, кредит, валюта сиёсатлари, хорижий инвесторларни жалб қилишга таъсир этиш механизмини ишлаб чиқади;

- ҳудуд маъмурияти эса ўз бўйнига тижорат таваккалини, иқтисодий мажбуриятларни олади, у ёки бу корхонани яратишни мақсадлилигини аниқлайди, майдоннинг ижтимоий иқтисодий ривожланишидаги «нозик жойларини» бартараф этади.

- Эркин иқтисодий ҳудуд фаолиятини бошқариш ва тартибга солиш махсус давлат органи томонидан амалга оширилади. Бу орган саноат ва савдо вазирлиги (Жануби Корея) бўлиши ёки махсус, эркин иқтисодий ҳудудларни бошқариш комитети (Хитойнинг Гуандунпровинциясидаги каби) бўлиши мумкин.Ўзбекистонда юқорида таъкидланганидек,